



Хабар

ERURSEN SHOK, AGAR OGHONSEN SEK, AGAR OGHONSEN SEK, SHONSEN SEN

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

www.xabar.cc.uz orif@infonet.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan

2005-yil, 28-yanvar, 4 (645)-son

Sotuvda narxi erkin

ХАФТАЛИК ХАБАРЛАР

♦ **Матбуотда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоларини тайинлаш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи мажлисларини чақириш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори эълон қилинди.**

♦ **"Сихат-саломатлик йили" давлат дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори матбуотда эълон қилинди.**

♦ **Кеча Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлислари очилди.**

♦ **Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида "Самарқанд—Фузур—Термиз автомобиль йўлини сақлаш ва таъмирлаш" лойиҳасини амалга ошириш доирасида зарур техникавий воситалар ва асбоб-ускуналарни етказиб бериш бўйича Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари ўртасида алмашув ноталари имзоланди.**

♦ **Бу йил тўрт минг нафардан кўпроқ юртдошимиз ҳаж амалларини шуқроналик билан адо этди. 25 январь кuni "Тошкент" халқаро аэропортида ҳожиларнинг дастлабки гуруҳи кутиб олинди.**

♦ **Пойтахтимиздаги "Шодлик-Палас" меҳмонхонасида футбол бўйича миллий терма жамоамизнинг янги мавсумга тайёргарлиги бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Тадбирда айни пайтгача маслаҳатчи мураббий вазифасида ишлаб келган Юрген Геде бош мураббий сифатида фаолият юритиши маълум қилинди. Равшан Ҳайдаров эса эндиликда миллий терма жамоада катта мураббий, Олимпия терма жамоамизда бош мураббий вазифасида ишлайди.**

«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти корхоналарида қонун талабларининг бузилиши, бунинг сабаблари ва уни бартараф этиш тўғрисидаги республика прокуратурасининг тақдимномаси бўйича йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари Асад Хўжаев олиб борди.

Долзарб мавзу

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси умумий назорат бўлими прокурори П.Нарзиев, Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи Ш.Обидхўжаев, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги почта технологиялари ва хизматлар бўлими бошлиғи Т.Бажанова, «Ўзбекистон почтаси» АЖ бош директори Р.Зиқиров, бош директор ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари, ҳудудий филиаллар директорлари ва уларнинг ўринбосарлари қатнашди.

Кун тартибидagi масала юзасидан ҳудудий филиаллар

директорлари сўзга чиқиб, қонун бузилишининг сабаблари ва уларни бартараф этиш чоралари тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Ўтказилган текшириш натижаларига кўра, 48 нафар почта ходимлари ва етти нафар раҳбар эғаллаб турган лавозимдан овоз қилинган.

Йиғилишда пул маблағларининг сақланишини таъминлаш ва келгусида бундай хато-камчиликларга йўл қўймалик мақсадида чора-тадбирлар белгилаб олинди. Шунингдек, бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

«Ўзбектелеком» АК ва Ўзбекистон алоқа ходимлари қасаба уюшмаси марказий кўмитаси ҳамкорлиқда компаниянинг корхона ва филиаллари алоқа линия иншоотларида меҳнат муҳофазаси бўйича хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, бахтсиз ҳодисалардан оғохлантириш ва олдини олиш юзасидан кўрик-танлов эълон қилган эди. Тадбир 2004 йилнинг 1 февралидан 1 декабрга қадар компаниянинг корхона ва филиаллари («Тошкент телеграф-телефон станцияси» ва «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиалларидан ташқари) ўртасида ўтказилди.

Ғолиблар аниқланди

Яқинда республика кўрик-танлов комиссияси жойлардан тақдим этилган барча материалларни кўриб чиқиб, ғолиб ва совриндорларни аниқлади.

Комиссиянинг хулосасига кўра, танловни ўтказиш мобайнида корхона ва филиаллар томонидан анчагина ижобий кўрсаткичларга эришилган. Жумладан, ходимлар муддатида тиббий кўрикдан ўтказилиб, хавфсизлик техникаси бўйича иш жойида йўл-йўриқлар бериб борилади. Алоқа линияларининг электр линиялари билан хавфли кесимишмалари аниқланиб, ФА-2 шаклидаги далолатномалар билан расмийлаштирилди, кросс хонасидаги ТФ-2/2 шаклидаги абонент карточкасига тегишли белгилар қўйилди, шундай хавфли кесимишмаларни бартараф этиш учун топшириқ-рухсатномалар берилди. Алоқа симёғочларининг 3043таси ян-

гисига алмаштирилди, авария ҳолатидаги 1343та симёғоч тузатишди. Мезёридан паст даражада осилиб қолган 2595,2 километрлик алоқа кабеллари мезёр даражасига келтирилди. Алоқа линияларининг электр линиялари билан кесимиш ўтган 11446та жойида кабеллар осилган пулат симлар ерга уланди (заземление қилинди). 13729та телефон қудуқлари тартибга келтирилди.

Республика кўрик-танлов комиссияси томонидан барча шартлар бўйича энг юқори балл тўплаган қуйидаги меҳнат жамоалари ғолиб деб топилди, пул мукофоти ва диплом билан тақдирландилар.

Филиаллар ўртасида:

I ўрин — «Навоий Телеком» филиали — 1000000 сўм ва I даражали диплом;

II ўрин — «Бухоро Телеком» филиали — 700000 сўм ва II даражали диплом;

Замон талаблари — бош мезон

Агентликнинг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Йўлдошмурод Жўлиев билан суҳбат.

— Йўлдошмурод Тўракулович, ҳудудий бошқармалар томонидан мамлакатимизда, жумладан, Навоий вилоятида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига аниқ-равшан белгилаб берилган. Келинг, шу мавзуда суҳбатлашсак.

— Аввало, айтиб ўтиш жоизки, жойларда ҳудудий бошқармаларнинг ташкил этилишидан мақсад — мамлакатимизда алоқа ва ахборотлаштириш тармоғини замон талаблари, жаҳон андозалари даражасида ривожлантиришни босқичма-босқич амалга оширишда ҳудудлардаги маҳаллий ҳокимиятлар билан ҳамкорликда бошқарув органлари, корхона, ташкилот ва муассасалар, ўқув юртлари, тадбиркорлик субъектлари фаоллигини оширишни таъминлашдир.

(Давоми 2-бетда.)

КО'РИК-TANLOV



III ўрин — «Хоразм Телеком» филиали — 500000 сўм ва III даражали диплом.

Телекоммуникациялар боғламалари ўртасида:

I ўрин — «Бухоро Телеком» филиали Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламаси — 800000 сўм ва I даражали диплом;

II ўрин — «Чирқом» ҚК — 600000 сўм ва II даражали диплом;

III ўрин — «Тошкент Телеком» филиали Янгийўл телекоммуникациялар боғламаси — 400000 сўм ва III даражали диплом.

Телекоммуникациялар боғламалари участкалари ўртасида:

I ўрин — Янгийўл телекоммуникациялар боғламасининг 5-АТЦ участкаси — 500000 сўм ва I даражали диплом;

II ўрин — Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламасининг 2-АТЦ цехи — 350000 сўм ва II даражали диплом;

III ўрин — Урганч шаҳар

телефон станциясининг 6-АТЦ участкаси — 250000 сўм ва III даражали диплом.

Шунингдек, «Навоий Телеком» филиали директори Б.Тунгшбоев меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни энг намунали ташкил этган раҳбар, «Қорақалпоқ Телеком» филиалининг Тахтиот теллокоммуникациялар боғламаси муҳандиси Р.Болтабоева корхона ва филиаллари ичида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича энг намунали мутахассис, деб топилди ва диплом билан тақдирланди.

Ғолиб жамоаларга ажратилган пул мукофотларининг 30 фоизи корхона ва филиалларида ходимларга қасбга уюшмаси кўмиталари раислари, 70 фоизи эса кўрик-танловда фаол иштирок этган ходимларни тақдирлаш учун сарфланади.

Ушбу тадбирнинг манткий давоми сифатида 2005 йилда ҳам «Ўзбектелеком» АКнинг барча корхона ва филиалларида ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш бўйича кўрик-танлов ўтказиш учун ташкилий ишлар бошлаб юборилди.

Лутфилло ТУРСУНОВ




TATUning 50 YILLIGI OLDDIDAN

ЎзФА президенти вазифини (бажарувчи) Ж.Абдуллаев ректорлик қилди. Ушбу йиллар давомида ўқишда, илмий, илмий-услубий ишлар ва фан номзодлари тайёрлашда институт эришган муваффақиятларда унинг ҳиссаси катта бўлди.

1966—1970 йилларда кўпгина янги мутахассислик кафедралари ташкил этилди. Жумладан, "Радио узатиш қурилмалари" кафедраси таркибидан "Радиоалоқа ва радиотехник тизимлар" кафедраси (кафедра мудири вазифини В.Казанский (1970—1972 й.) тайинланди. 1972—1980 йиллар давомида кафедрага катта ўқитувчи С.Василев, доцентлардан О.Абрамянц ва В.Спиринлар мудирилик қилдилар. "Олий математика" кафедраси (мудири профессор Р.Сунчелеев) таркибидан эса "Ҳисоблаш математикаси" (ҳозирги "Информатика") кафедраси (уни ташкил этишда ЎзФА академиги Ф.Абуталиев бош

Институтда алоҳида кечки ва сиртки бўлимлар проректори лавозими ажратилиб, унга 1968 йили техник фанлари номзоди, доцент М.Арипов тайинланди. 1969—1981 йилларда ушбу вазифада факултет декани, кафедра мудири лавозимларида ишлаб катта тажриба орттирган Р.Мансуров ишлади.

Бу даврда кечки ва сиртки бўлимларда 250-300 талаба ўқирди. Кечки факултетга тажрибали ўқитувчи И.Нейман, сиртки бўлимга эса доцент М.Василев ва мудири эитб тайинландилар. Кейинчалик кечки факултетга В.Сон, М.Зупаров ва А.Мавлоновлар деканилик қилдилар. Ундаги талабалар сони 1966—1980 йилларда 500-600 ва сиртки факултет талабалари 2000-2500 нафарни ташкил этди. 1974—1986 йилларда сиртки факултет иши тўлиқ қайта ташкил этилди. Олмаота шаҳрида (1963 йилда) унинг ўқув маслаҳат пункти (УМП) ташкил этилиб, у И-



раторияларидан ташқари талабалар конструкторлик бюроси (ТКБ, 1965 йилда ташкил этилган)да ўзларини қизиқтирган соҳаларда илмий изланишлар олиб боришлари ва турли радиоэлектрон қурилмалар тайёрлаш учун шaroит яратилди.

Институтда олиб борилган кенг қўламадаги илмий ишларга академик А.Абдуллаев, профессорлар С.Колесов ва В.Яковлев,

лардан келиб ўқийтган талабаларни ётоқхона билан таъминлаш учун 1969 йили Жаҳон Обидова кўчасида ҳар бири 420 ўринли иккита ётоқхона қурилди. Бунинг натижасида ётоқхонага муҳтож ҳамма талабалар турар-жой билан таъминландилар. Булардан ташқари, 1972 йили институт ҳудудида 40 хонадонга мўлжалланган уй қурилиб, профессор-ўқитувчиларга берилди. Етмишинчи йил ўрта-ларидан икки қаватли талабалар ошонаси ва ҳисоблаш маркази учун махсус бино қурилиб фойдаланишга топширилди.

Институт кутубхонаси бу даврда 300 мингдан ортиқ китоб ва журнал фондида эга эди. Талабаларнинг дарсликлар билан таъминлиши даражаси юқори бўлди. Кутубхонадан фойдаланувчи ўқувчилар сони 5 мингга яқинлашди.

Билим юртимизга биринчи чет эл вакили сифатида таширф бюрган Финляндия алоқа вазири (1969 йил) институт ўқув биноси, лабораториялари билан танишиб, ундаги жиҳозлар Москва ва Санкт-Петербург алоқа институтлари жиҳозларидан қилинган таъкидлаган эди. Худди шундай фикри 1974 йил, июл ойида институтда икки ҳафта меҳмон бўлган Германиянинг Митвайде шаҳри Олий техник мактаби ректори Рейхард Гётнер ҳам билдирганди.

Хулоса қилиб айтганда, босиб ўтган 25 йиллик фаолияти даврида институт ўқув, ўқув-услубий, илмий-техник базаси мустаҳкамланди ва профессор-ўқитувчилари сафи малакали мутахассислар ҳисобига кенгайиб, чуқур билимга эга алоқачи муҳандислар ҳамда илмий ходимлар тайёрлашда нафақат республика, балки Иттифоқ олий ўқув юртилари орасида муносиб ўринни эгаллади.

Бу даврда институтни тугатганлар орасида йирик алоқа ва ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари етишиб чиқдилар. Улардан Х.Фуломов, В.Кравченко, А.Тоғайлиев, С.Тожиёв, С.Буравский, А.Алимов, К.Раҳимов, Т.Раҳимов, С.Содиқов, П.Умаров, Х.Нигматов, В.Дурнев, И.Нуритдинов, И.Усмонов, С.Селузнёв, З.Алекперов, А.Юсупов, Н.Қодиров, Ш.Исломонов, О.Эшонов, А.Қодиров, С.Аъзамов ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

1980 йили билим даргоҳи ташкил этилганига 25 йил тўлиши муносабати билан институт ректори Ж.Абдуллаев, "Фалсафа" кафедраси мудири профессор С.Свирскийлар "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби" ва доцент Ш.Тожиёв "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган алоқачи" фахрий унвонлари билан мукофотландилар.

Омон АБДУАЗИЗОВ,
TATU "Радиотехника ва радиоалоқа" кафедраси мудири

Улғайиш даври



бўлди) ажралиб чиқди. Бу икки кафедра талабаларнинг математик билимларини янада чуқурлаштиришга йўналтирилган бир қатор илмий-услубий тадбирларни амалга оширдилар. Ешларнинг физика фанини чуқур ўрганишлари учун "Физика" кафедраси мудири, профессор В.Яковлев ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Яъни, физика ва математикани чуқур ўрганиш учун икки кафедра талабалар махсус гуруҳларга ажратилиб, алоҳида дастур асосида машғулотлар олиб борилди.

1971 йили "Иқтисодиёт назарияси" кафедраси таркибидан "Иқтисод ва алоқа корхоналари ишлари режалаштириш ва бошқариш" кафедраси ажратилди. Кафедрага 1971—1974 йиллар давомида тажрибали ўқитувчи, иқтисод фанлари номзоди, доцент Х.Мансирев, 1974—1986 йилларда эса иқтисод фанлари номзоди, доцент В.Буткеев мудирилик қилди. 1970 йилдан телефон-телеграф факултетидан икки янги факултет — автоматик электралоқа ва кўп каналли электралоқа факултетлари ажралиб чиқди. Бу факултетларга В.Дурнев ва Ж.Ниеталинлар декан этиб тайинландилар.

Етмишинчи йиллар бошига келиб нафақат Ўзбекистонда, балки бошқа Ўрта Осиё республикалари ҳамда Қозғоғистон алоқа корхоналарида ишлаётганлар орасида билимларини сиртдан ўқиш орқали оширишни хоҳловчилар орта борди. Алоқа ва ҳисоблаш техникасининг янги элементлар базаси ярим ўтказгичлар, интеграл схемалар асосида яратила бошлангани эса соҳа муҳандис-техник ходимларидан ўз билимларини ошириш, янгилаш ва чуқурлаштиришни тақозо этар эди. Натижада институт кечки ва сиртки факултетларига қабул режаси сезиларли даражада оширилди.

доцентлар М.Арипов, Ш.Тожиёв, И.Берганов, М.Василева, М.Зоҳидов, В.Сон, Э.Аллаев, Э.Ли, Т.Безкакотова, Р.Солиева, А.Кроповицкий ва бошқалар раҳбарлик қилдилар. Бу жараёнда юқори босқич талабалари ҳам фаол қатнашдилар.

Ўзбекистоннинг иссиқ шарoитида кишлоқ алоқа тармоқларида фойдаланиладиган кабеллар параметрлари барқарорлигини тадқиқ этиш учун институтнинг Хондайликдаги махсус полигонда Э.Лининг илмий раҳбарлигида Санкт-Петербург алоқа илмий-техник институти билан ҳамкорликда текшириш ва ўлчов ишлари олиб борилди. Уша даврда бажарилган ишлар натижасида 11 монография, 850дан ортиқ илмий мақола чоп этилди ва бир неча номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. 1977 йили институтда «Заряд орқали алоқа ярим ўтказгич асбобларини таҳлил қилиш ва улардан фойдаланиш»га бағишланган Бутуниттифоқ илмий конференцияси ўтказилди.

Институт 1976 йилдан бошлаб алоқа корхоналарини қуриш ва монтаж қилиш мутахассислиги бўйича муҳандислар тайёрлашни бошлади. Бу вазифа "Алоқа линиялари" кафедрасига топширилди. Қисқа давр ичида ўқув полигони қурилиб, тегишли техника ва қисмлар билан жиҳозланди. Оптик толали кабелларни ўлчаш ва монтаж қилиш учун махсус лаборатория ташкил этилди. Талабалар назарий билимларини таътил даврида Ўзбекистон, Қирғизистон, Россиянинг Олтой ўлкаси, Қора тупроқ минтақалари ва Узоқ Шарқда қурилиш отрядлари сафида ишлаб чиқаришда синаб кўрдилар. Шунингдек, 1976 йили институт талабалари Германиянинг қатор шаҳарларидаги қурилиш отрядларида ишладилар. Худди шу йили Германия талабаларидан бир гуруҳи қурилиш отряди сифатида Ташкентга таширф булурди.

1966 йили институт профессор-ўқитувчилари учун қисқа вақт ичида 96 хонадонли тураржой биноси қуриб битказилди. Бошқа республика ва вилоят-

тифоқ тарқалгунча фаолият кўрсатди. УМПда асосан 1-3 босқич талабалари учун кечки бўлимида ўқиш йўлга қўйилди. Юқори босқич талабалари учун консултациялар (маслаҳатлар) бериш учун институт профессор-ўқитувчилари режа асосида мунтазам равишда хизмат сафарига юборилди.

Етмишинчи йиллар охирида Душанбе, Фрунзе (Бишкек), Фарғона шаҳарларида сиртки факултет таянч пунктлари (ТП) ташкил этилиб, режа асосида 1-3 курс талабалари учун фанлардан маърузалар ва амалий машғулотлар олиб борилди. Сиртдан ўқийтган талабаларнинг 4-курсдан бошлаб келажакда оладиган мутахассисликларига мос вазифада ишлашлари алоҳида эътибор берилди.

Институт профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимлари 1966—1980 йиллар давомида алоқа соҳаси учун мутахассисларга тайёрлаш билан бирга ҳўжалик шартномаси асосида катта ҳажмдаги илмий-техник ишларини олиб бордилар. Шундай ишлар олиб боруви биринчи лаборатория ҳозирги "Радиотехника ва радиоалоқа" кафедраси қошида 1961 йилда тuzилган эди. Лаборатория учун алоҳида беш кишидан иборат штат бирлиги ажратилди. Лаборатория уша даврда муҳим аҳамиятга эга бўлган магнитострикцион филтрларни тадқиқ қилиш устида («Рубин-мавзуси») иш олиб борди. Шунингдек, Москва, Санкт-Петербург, Калуга, Нижний-Новгород, Воронеж шаҳарларидаги йирик илмий-ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳўжалик шартномаси тузилиб, ҳамкорликда қилинган илмий ишлар натижалари халқ ҳўжалигининг тегишли соҳаларида ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Ешларига илмий-техник ишлар лабо-

Суратларда: 1. Алоқа соҳаси бўйича биринчи ўзбек олимаси — техника фанлари номзоди, доцент Х.Шарипова (ўндан иккинчи) дарс жараёнида. У "Кўп каналли алоқа кафедраси"га бир неча йил мудирилик қилган. 2. Университетнинг "Телевидение ва радиоэлектроника" кафедраси илмий ходими А.Капоров ва унинг илмий раҳбари Ш.Тожиёв ўзлари яратган электрон микроскопни синовдан ўтказишмоқда.
(Суратлар университет архивидан олинган.)

“Навоий телеком” признан победителем конкурса

Акционерная компания “Узбектелеком” подвела итоги смотра-конкурса состояния и совершенствования линейно-кабельного хозяйства, охраны труда и техники безопасности, который проходил с 1 февраля по 1 декабря минувшего года.

Первое место и диплом первой степени присуждены филиалу Навоий Телеком, признанному образцовым предприятием по выполнению условий смотра-конкурса.

Специальным дипломом награжден директор филиала Б.Тунгишбаев.

Следует отметить, что на различные цели, связанные с приведением линейно-кабельного хозяйства в соответствие с техническими стандартами, обеспечение безопасных условий труда и их улучшение для всех категорий работников в целом по филиалу израсходовано за год 215,4 миллиона сумов или в два с половиной раза больше, чем предусматривалось номенклатурными мероприятиями.

Самое дорогое – человеческая жизнь. Никакими деньгами не измеришь потерю кормильца или серьезную производственную травму, повлекшую нетрудоспособность работника. Это в филиале прекрасно понимают. Поэтому проблемы охраны труда и техники безопас-

ности поднимаются практически на всех еженедельных совещаниях у директора. Анализируются даже самые незначительные отступления от норм и правил, ибо из мелочей складывается общее состояние охраны труда и пожарной безопасности.

Особый спрос у ведущего специалиста Ф.Камбулатовой, отвечающей за этот участок работы. Предписания о выявленных недостатках, аттестация рабочих мест, контроль за обеспечением трехступенчатого контроля на всех участках, в цехах и узлах телекоммуникации, надзор за безопасной и безаварийной эксплуатацией техники и оборудования, исправностью инструментов и специальной оснастки – вот далеко не полный круг ее обязанностей.

Говорят, сапер ошибается только раз. Точно также и целый ряд специалистов связи, чья работа нередко связана с определенным риском. К примеру, в телефонных колодцах может образоваться скопление

ядовитых газов, в подвалах домов рядом с кабельными разводками проходят электрические сети, неисправные монтерские когти могут послужить причиной трагедии. И таких “могут” – неисчислимое множество. Поэтому только неукоснительное соблюдение всех норм, правил и инструкций по технике безопасности позволяет предприятию и его узлам телекоммуникации “застраховаться” от несчастных случаев. Ежегодно связисты, обслуживающие стационарное оборудование линии связи, а также водители проходят специальное обучение, инструктирование, проверку знаний и только после этого получают допуск к работе. Для этого разработано 40 тематических инструкций, определяющих правила выполнения конкретных видов работ.

Особое внимание уделяется устранению опасных пересечений линий связи с ЛЭП. К слову, в прошлом году было ликвидировано 130 пересечений, не соответствующих техническим нормам. Но возникают новые, так как работники предприятия электросети и многие хозяйствующие субъекты, прокладывая новые электролинии, зачастую не согласовывают свои действия со связистами, создавая тем самым дополнительные проблемы.

Монтерам и кабельщикам приходится работать в самых сложных условиях, в жару и холод. Учитывая особенности их труда, предприятие не жалеет средств на приобретение специальной экипировки. За год приобретено 280 комплектов одежды, 276 утепленных курток, 300 пар обуви, 225 монтерских сумок. На 12 миллионов сумов закуплены дорожные велосипеды, на которых “линейщики” оперативно выезжают по вызовам абонентов и в установленные сроки устраняют повреждения.

Была и такая проблема. Многие здания, которые занимают связисты, арендуются у почтовиков. Как правило, они плохо отапливаются. Люди простывают, болеют. А это прямой ущерб для предприятия. По этой причине филиал был вынужден приобрести для узлов телекоммуникации и областного управления 81 кондиционер типа “зима-лето”. Затраты превысили 52,1 миллиона сумов.

Охрана здоровья – одна из главных составляющих комплекса профилактики. Все работники филиала ежегодно проходят медицинский осмотр. Есть и свой медпункт, который обеспечивается необходимыми лекарственными препаратами, шприцами и содержится за счет средств предприятия.

Словом, делается все, чтобы связисты могли плодотворно работать, зная, что администрация и профсоюзный комитет проявляют о них заботу и внимание. Такой подход является надежной гарантией стабильности роста и развития всех подразделений филиала Навоий Телеком.

И.ЗАГОСКИН,
город Навоий

МОБИЛЬНАЯ СВЯЗЬ

Британцы осваивают продвинутые мобильники

Сервисам MMS и GPRS

мешает развиваться их сложность для некоторых пользователей, утверждает в докладе MDA (Mobile Data Association). Тем не менее половина британцев использует свои мобильники для выхода в Сеть.

Число телефонов с возможностью обмена MMS и GPRS за год удвоилось, подсчитали авторы доклада. К концу 2005 года три четверти абонентов сотовой связи в Великобритании будут пользоваться телефонами с функцией GPRS, которая позволяет выходить в интернет с телефона напрямую, либо подключая его как модем к компьютеру. Заявленная скорость соединения при этом составляет около 100 КБ/с. Основные причины пользования GPRS – загрузка мелодий и интернет-чатов. Недавно премьер-министр Тони Блэр (Tony Blair) провел сеанс связи с гражданами страны через мобильный текстовый чат.

Итальянская Enel вложит в 3G-связь \$1 млрд.

Итальянская компания Enel купит компанию IPSE, являющуюся владельцем лицензии на предоставление услуг связи третьего поколения. Сумма сделки составляет \$1,08 млрд.

IPSE является консорциумом под руководством испанской фирмы Telefonica. IPSE заплатила более \$2 млрд. за лицензию на предоставление услуг 3G-связи в трех частотных диапазонах. Аукцион был проведен в Италии 4 года назад. Однако после того, как развертывание сетей связи третьего поколения в стране было приостановлено, IPSE пришлось временно прекратить деятельность.

Представители Enel заявили, что после завершения приобретения, компания продаст лицензию на два частотных диапазона из трех и сдаст в 20-летнюю аренду права на третий своему телекоммуникационному подразделению Wind, которое планируется продать. Стоимость Wind оценивается аналитиками в сумму \$7-\$13 млрд.; подразделение имеет большие долги.

Две частоты будут проданы, вероятно, TIM (подразделению Telecom Italia) и компании Vodafone. Кроме указанных фирм, на итальянском рынке связи третьего поколения работают гонконгский конгломерат Hutchison Whampoa и другие операторы, сообщил FT.

НОВОСТИ В СФЕРЕ ИКТ

Узбекистан: открыт банк данных документов сферы связи и информатизации

Центр научно-технических и маркетинговых исследований запустил онлайн-версию автоматизированной системы «Банк данных нормативных документов сферы связи и информатизации».

В банке данных имеется полный текст всех действующих нормативных документов сферы связи и информатизации, информация о государственных нормативных документах Узбекистана, международных стандартах (МСЭ, ЕТСИ, ИСО, МЭК), а также межгосударственных нормативных документах.

Пользователи системы имеют возможность просматривать или получать тексты отраслевых нормативных документов сферы связи и информатизации.

Необходимый документ, имеющийся в банке данных, можно найти с помощью поисковой системы.

DDI и телеканал «Ёшлар» представили передачу об ИКТ

С декабря 2004 года Программа «Инициатива цифрового развития» (ИЦР, DDI) начала сотрудничество с узбекским телевидением.

Сотрудничество включает в себя подготовку и трансляцию передачи о развитии информационно-коммуникационных технологий в Узбекистане.

20-минутная передача «Таракиёт сари» («На пути к прогрессу») ставит целью знакомить население республики с информационно-коммуникационными технологиями и предназначена для всех слоев населения.

В первой передаче, представленной 21 декабря, речь шла об общем понятии ИКТ и основах данной сферы.

ИЦР является совместной программой ПРООН и правительства Узбекистана.

Исполнительным органом программы со стороны правительства является Агентство связи и информатизации (с октября 2002 года).

Целью ИЦР является обеспечение максимального использования достижений и преимуществ информационной революции в Узбекистане.

Каждый пятый японец будет работать удаленно

Япония поставила перед собой цель: 20% трудоспособного населения страны должно перейти на удаленный режим работы к 2010 г. Это не только улучшит их семейную жизнь, но и увеличит эффективность труда.

Как сообщает AFP, японское Министерство телекоммуникаций начало реализацию собственной программы по переводу офисных сотрудников в удаленный режим работы. Эксперимент решено начать с малого, начиная с января 2005 г. шестеро сотрудников министерства будут как минимум один день в неделю отсутствовать в офисе, выполняя свои служебные обязанности из дома, из университета или библиотеки. Они должны будут поддерживать связь через интернет, пользуясь высокоскоростным соединением и современными коммуникационными сервисами, такими как видеоконференции и IM.



По материалам Интернет

DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

ҚОНУНБУЗАРЛИК ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Янги йил кириб келганига ҳам бир ойча бўлди. 2004 йилда қилинган ишлар якуини сарҳисоб қилишга бу етарли муддатдир. Наманган вилояти Давлат алоқа инспекцияси ўтган йилда Назорат қилувчи орган фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши томонидан тасдиқланган режа-жадвалга асосан жами 11та ҳўжалик юритувчи субъектларда, шу жумладан, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига қарашли 8та корхоналарда текширишлар олиб борди.

Текширишлар давомида корхоналарда Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, қонун ости ҳужжатлари, соҳага дахлдор бўлган меъёрий ҳужжатларга ва уларнинг талаблари бажарилишига эътибор қаратилди. Текширув натижалари бўйича лицензия келишув шартлари, тармоқ стандартлари, белгиланган сифат кўрсаткичлари ва меъёрий ҳужжатлар талаблари бажарилмаганлиги сабабли 13 мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Наманган вилояти Давлат алоқа инспекцияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлиги Маҳкамасининг 1998 йил, 15 майдаги "Телекоммуникация иншоотлари ва линияларини қўриқлаш қоидалари тўғрисида"ги қарори бажарилиши бўйича олиб борилган текширишларда қарор талабларининг бузилиш ҳоллари аниқланди. ЖВБС лойиҳаси асосидаги қўриқлаш жараёнида ва Наманган — Янгиқўрғон йўналишида йўлни кенгайтиришда бир неча бора оғохлантиришлар берилганига қарамай, қурувчилар томонидан ишлаб турган алоқа кабелларининг узиллишларига йўл қўйилди. Кабел узиллишига йўл қўйган "Salin FS Uzbekistan" корхонасининг Наманган вилоятидаги менежери ва иш юритувчиси, Янгиқўрғон туман пудрат таъмирлаш корхонасининг икки мансабдор шахсига нисбатан маъмурий жараёнида қўриқилди.

Наманган вилояти ДАИда фуқаролар шикояти бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Наманган тумани Юқори Ровустон қишлоғида яшовчи фуқаро Р.Нишонов ўзига тегишли 32-48-38 рақамли телефони борлиги ва худди шу рақамли телефон параллел равишда Ровустон темирйўл станцияси навбатчиси хонасида ишлаётганлигини маълум қилган. Урганиш жараёнида Қўқон темирйўл тармоғи Ровустон темир йўл станцияси алоқа бўлими бошлиғи С.Аджикеламов фуқарога тегишли бўлган телефонни ноқонуний равишда темирйўл станциясига ҳам улаб берганлиги аниқланди. Алоқа бўлими бошлиғи ҳам қонун олдида жавоб берадиган бўлди.

Вилоятда радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан ҳамда радиочастота спектридан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари олдини олиш мақсадида вилоят Электромангнит мослашув хизмати (ЭММХ) ходимлари билан биргаликда ўтган 2004 йилда 16та рейдлар уштурулди. Ушбу рейдлар натижасида Тўрақўрғон тумани Сайрам қишлоқ фуқаролар йиғини Бахт маҳалласида яшовчи радиоҳаваскорлар рўйхатидан ўтган фуқаро Б.Қаландаров ўзига тегишли бўлмаган "Ешлик" қақурув сигнали билан ноқонуний равишда эфирга чиққанлиги ҳамда Чуст шаҳри Сўфизода кўчасида яшовчи икки нафар фуқаро Ўзбекистон Республикаси худудида фойдаланилиши тақиқланган SENA0-259 ва SENA0-358 русумидаги радиотелефонларни ноқонуний равишда ишлатаётганлиги аниқланди.

Қайд этилган ҳолатлар бўйича бу уч нафар фуқарога нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари қўрилиб, ундирилган жарима миқдори ўз вақтида маҳаллий бюджетга ўтказилиши таъминланди. Қонунбузарлик жазосиз қолмайди. Барчаси буни яқин англаб, тўғри хулоса чиқаришимиз лозим. Шундагина камчиликлар такрорланишига йўл қўйилмайди.

Хусанбой ТОЖИБОВ,
Наманган вилояти ДАИ бошлиғи

SPORT

МУСОБАҚАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Республика алоқа ходимлари касба уюшмаси марказий кўмитасининг биргаликдаги қўша буйруқ-қарорига асосан жорий йилнинг 26 январь куни Тошкент алоқа касб-хўнар коллежининг спорт залида Агентлик тизимига кирувчи корхоналар раҳбар ходимлари жамоалари ўртасида кўпкураш бўйича мусобақалар бўлиб ўтди.

Маълумки, 2005 йил юртимизда Сихат-саломатлик йили деб эътироф этилган. Шу боис алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ҳам жисмоний тарбия ва спортнинг ташкилий асослари ва ривожлантириш тамойилларини тубдан тақомиллаштириш ҳамда соҳа ходимларининг кундалик ҳаётига жисмоний тарбия ва спортни киритиш, уни янада оммалаштиришга катта эътибор берилмоқда. Ушбу мусобақа бу борада ташланган илк қадамлардан биридир.

Кўтаринки руҳда ўтган спорт байрамида Давлат алоқа инспекцияси, "Матбуот тарқатувчи" АК, Фантехника ва маркетинг тадқиқотлари маркази, "Ўзимпаксалоқ", "Тошкент телеграф-телефон станцияси", "Тошкент шаҳар телефон тармоғи", "Тошкент Телеком" филиаллари, Электромангнит мослашув маркази, Тошкент радиотелеви-

зион узатиш маркази, Тошкент ахборот технологиялари университети, "Ўзбекистон почтаси" АЖнинг "Халқаро почта", "Тошкент почта" ва Тошкент филиаллари, Республика махсус алоқа боғламаси, Алоқа коллежи жамоалари иштирок этди.

Яқин тайёргарлик қўрган ТАТУ жамоаси мусобақа ғолиби бўлди. "Ўзимпаксалоқ" жамоасига эса иккинчи ўрин насиб этди. "Ўзбекистон почтаси" АЖ Тошкент филиали жамоаси кейинги погонани банд этди. Шунингдек, Давлат алоқа инспекцияси, Республика махсус алоқа боғламаси ва "Тошкент почта" жамоалари

ташкilotчиларнинг махсус совринлари билан тақдирландилар.

Ҳолиларини тақдирлаш ва мусобақанинг тантанали ёпилиш маросимида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари Асад Хўжаев, Республика алоқа ходимлари касба уюшмаси марказий кўмитасининг раиси Тоҳир Назаржонов ҳамда бошқа бир қатор алоқа корхоналарининг раҳбарлари иштирок этди.

Ташкilotчилар мусобақаларни ўтказишда катта ёрдам кўрсатган Саидмажид Акбаров бошчилигидаги Тошкент алоқа касб-хўнар коллежи жамоасига миннатдорчилик билдирди.

29 январь куни Агентлик тизимига кирувчи корхоналар раҳбар ходимларидан тузилган жамоалар ўртасида мини-футбол мусобақалари бўлиб ўтди. Унда қуйидаги жамоалар ўзаро беллашди:

ТШТТ — ДФХ
Тош ТТС — "Ўзбекистон почтаси" АЖ
УзААА — МАТБ
Мониторинг маркази — ДАИ
МТ — "Ўзимпаксалоқ"
"Тошкент Телеком" — "Халқаро почта"
"Алоқабан" — "Ўзбектелеком" АК
"Тошкент почта" — ЭМММ

SOHAMIZ FIDOYLARI

Хоразмлик моҳир алоқачи Оллаберган Матниёзов умрининг 46 йилини шу касбга бағишлади. У кишига табиат камсуқумлик, камтаринлик хусусиятларини ато этган. Ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлган бу инсон Хоразм вилоятида координатли ва рақамли АТСларни ўрнатишда техник ишларга раҳбарлик қилди. Кабелларни ётқизиш ва уларни тизимлашув қурилмалари билан жиҳозлаш, АТСлар сизимини кўпайтириш ва алоқа сифатини яхшилашга асосий эътиборни қаратди. Рақамли АТСнинг техник жиҳатларини мукамал эгаллагани боис уларни ишга туширишда ҳам фаол қатнашди.

ҲАЁТИМДАН БЕҲАД МАМНУНМАН



Яқинда «Хоразм Телеком» филиалида 65 ёшни қаршилаган О.Матниёзовни нафақага кузатиш тadbiri бўлиб ўтди. Шу муносабат билан биз у кишининг касбдошлари, дўстлари билан суҳбат қилдик:

Ортиқбой ОЛЛАБЕРГАНОВ, «Хоразм Телеком» филиали директори:

— Оллаберган ака бахтли инсон, бугунги кунда юзлаб шогирдлари у кишининг ишини давом эттиришмоқда. Устозимиз салкам ярим аср самарали меҳнат қилди, телекоммуникация қурилмаларининг иккита авлодини ишга туширишда фаол қатнашди, техник ишларга раҳбарлик қилди. Худо хоҳласа, алоқа қурилмаларининг кейинги авлодини ўрнатишда ҳам Оллаберган ака ўзи масъульларини биздан ямайдди.

Олланазар БЕКНАЗАРОВ, ҳамкасби:

— Оллаберган ака Матниёзов мен ҳавас билан қарайдиган инсонлардан. Унинг меҳнат дафтарчасида фақат "Алоқа идораси" деган ёзув бор. Кимки нима иш билан мурожаат қилмасин, Оллаберган ака шу заҳотиёқ ҳал қиларди. Бой тажрибага эга, қуч-қуввати бор. Нафақага чиққан бўлса ҳам, барибир юрагининг тўрида қадрдон жамоаси бўлади. Шундай камтар инсонлар туфайли жамоамизда бирдамлик ва елкадошлик шаклланди, ўзаро меҳр-муҳаббат янаям ошди.

Шарифбой ОТАМУРОДОВ, бўлим бошлиғи:

— Қирқ йилдирки, бу азиз инсон билан танишимиз. Агар босиб ўтган йўлга назар ташласак, ҳамма ишлари кўнгилдагидан ҳам зиёд эканлиги маълум бўлади. Ҳатто катта ёшдагилар ҳам "Оллаберган ака" деб хурмат билан мурожаат қилишди. Оллаберган акага оиласи даврасида соғ-саломат юриш, невараларининг бахту икболини кўриш насиб қилсин. Биз унинг хурсандчилигини бирга баҳам кўраётганимиздан бахтиёрмиз.

Фарҳод МУҲАММАДИЕВ
Хоразм вилояти

Суратда: «Хоразм Телеком» филиали директори Ортиқбой ОЛЛАБЕРГАНОВ ва Хоразм вилояти алоқа ходимлари бирлашган касба уюшмаси кўмитаси раиси Зулфия БОБОЖОНОВАлар кутлуг кун билан Оллаберган МАТНИЁЗОВни табриклашмоқда.

